

## ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАЯНЧ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**М.М.Аҳмедов**

*ФарДУ доценти, техника фанлари номзоди*

**С.М.Рўзиматова**

*Фар ДУ технологик таълим кафедраси ўқитувчиси*

**А.Ю.Йўлдашев**

*ТДПУ Профессional таълим факультети талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақола технология фанидан мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг таянч воситаси сифатида технологик таълим йўналишининг умумпедагогик, хусусий ва махсус бўлимлари асосида фанга оид билимларни амалиётда қўллаш бўйича ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенциялари юзасидан ўрганилган билимлар, шаклланган кўникмалар ва малакалар ҳосил бўлиш жараёнида пайдо бўлган янги билимларни кундалик фаолиятда қўллаш қобилиятини шаклланиш жараёни ўрганилган

**Калит сўзлар:** Технологик таълим, технологик жараён, технологик компетенция, компетенция, компетенциявий ёндашув, инновацион ёндашув, умумлаштириш, муқобиллаштириш, индивидуал таълим.

Мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида меҳнат бозори юзага келди, бу эса, ўз навбатида шубҳасиз, таълим бозорига олиб келди. Таълимнинг бозор модели индивиднинг шарт-шароитларига, ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларига, янги ҳуқуқий ва қадриятий йўналишларга мослашиши вазифасини қўяди. Таълим хизматлари тизимига ўтиш буюртмачининг қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, таълимга бўлган эҳтиёжларини қониқтириш заруриятини аниқлаб беради[1,2]

Технологик компетенцияларни шакллантиришнинг асосий вазифаси ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш, таълим ва амалиётнинг ўзаро таъсирини реал мавжудлик билан оптималлаштириш, мактаб ўқувчиларининг ижтимоий-касбий ўз-ўзини белгилашини ва мослашишини таъминлашдан иборат.

Технология ўқув фани умумий ўрта таълим тизимида муҳим ўрин эгаллайди ва ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш ва ўқитишнинг зарурий компоненти ҳисобланади ва уларга технологик билимларини амалиётда қўллаш имкониятини яратади. Технология ўқув фанини инновацион ёндашув асосида ўқитишда ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш ҳам педагогик, ҳам бошқарув масалалари ҳал этишни тақозо этди.

Сўнги йилларда таълимни индивидуаллаштириш муаммоси бўйича кўпгина илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Ўқувчилар мустақил ишини индивидуаллаштириш орқали уларнинг билиш фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантириш, мактабларда ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш, технологияни самарали ўқитишда ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, индивидуал ёндашиш асосида ўқувчиларнинг технологик билими сифатини ошириш, ўзлаштирамовчи ўқувчилар билан индивидуал ишлаш, ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш, ўқувчилар ўқув фаолиятини индивидуал ўқитиш орқали бошқариш, ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш, тайёрлов курси тингловчиларини индивидуал ўқитиш, модулли ўқитиш индивидуал таълимни амалга оширишнинг имконияти сифатида, компьютер ёрдамида технологияни ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш, педагогик олий таълим муассасасаларида ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида технологияни ўқитишни индивидуаллаштириш каби илмий тадқиқот ишлари [3,4] шулар жумласидандир.

Таълим муассасасида технологияни ўқитишдаги инновацион ёндашув- бу ўқув жараёнига таълим муассасаси томонидан киритилган янгиликларнинг йиғиндисини ифода этади. Бу муҳитда ўқитувчининг педагогик фаолияти ва таълим жараёни (ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш)ни муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Инновацион ёндашувни бундай маънода тушунишда технологик таълим учун яратилган педагогик шарт-шароит ўқитувчи фаолиятининг муҳим шarti ҳисобланади.

Инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг асосий мақсади ва мазмуни мактаб ўқувчиларини ижодий меҳнатга тайёрлаш ва унинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлашдан иборат[5]. Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мақсадлари ва мазмунини жорий этиш технологик таълимнинг узлуксизлиги ва яхлитлигини таъминлашни талаб этади.

Амалий йўналтирилган таълим узлуксиз таълим тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Мактабда бу ролни технология фанининг ташкил этувчилари ўйнайди. Шу боис технология фани мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш тизимининг таянч этувчиси сифатида тушунилади. Биринчидан, у касблар тузилмасида мактаб ўқувчиларининг роли ва ўрнини кўрсатиб, ўқувчиларини амалий фаолият учун зарур бўлган долзарб билимлар сифатида яхлит ҳолда бирлаштириши керак; иккинчидан, мактаб ўқувчиларида функционал ва технологик саводхонлик ҳамда моҳирликнинг муайян даражасини шакллантириши; учинчидан, шахс ривожланишининг диагностик функцияларини амалга оширишга ёрдамлашиши; тўртинчидан, малакали мутахассисни шакллантиришга замин яратилиши лозим.

Умумий ўрта таълим мактаб 5-7-ўқувчиларида инновацион ёндашув асосида технологик компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган фаолиятга тайёрлаш индивидуал таълимни ташкил этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур соҳада қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни тушинтиришда ўқитишнинг шакли, воситалари ва методлари, технологик таълим жараёнларини ташкил қилиш ва таъминлаш шарт-шароитлари ҳамда педагогик фаолият мезонлари ва кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади[6-8].

Ўқувчиларнинг дунёқараши, фикрлаш доирасини ривожлантириш барча ўқув фанларини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган технологик билимларнинг ажралмас (инвариант) қисми ҳисобланади. Бундай умумлаштирилган тавсиф умумий мақсадларни таърифлаш ва ўқув режасидаги ҳар қандай фан бўйича ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришга қаратилган технологик таълим жараёнларини ташкил этишнинг мазмунини аниқлаш имконини беради.

Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни ва мақсадларини жорий этиш барча умумий ўрта таълим соҳалари ва фанларининг кенг қамровли ўзаро таъсирини, ўқувчиларнинг технологик таълимнинг узлуксизлиги ва яхлитлигини таъминлашни талаб қилади.

Мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг турли шакллари, тизимлари ва методлари интеграцияси асосида амалий фаолият турларини ўзлаштиришини қамраб олиши керак. Ўқув жараёни самарадорлигини оширишда таълим ресурсларидан уйғун фойдаланиш вазифаси қўйилади.

Қўйилган амалий вазифа технологик таълим жараёнларини ташкил этиш умумий ўрта таълим тизимида технология фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилаб беради. Демак, технологик таълим йўналишининг умумпедагогик, ҳусусий ва махсус бўлимлари асосида фанга оид билимларни амалий қўллаш бўйича таянч кўникмаларни эгаллашни таъминлашга хизмат қилади.

Технологик жараёнларни атроф-муҳит билан боғлиқлигининг ёрқин характери таълим тизимини ташқи олам билан боғловчи бўлган ролини ўйнашига имкон яратади ва ривожланишнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади[9,10].

Шундан келиб чиқиб, мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш умумий ўрта таълим тизимининг элементи сифатида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон яратади[11-15].:

- реал ижтимоий-меҳнат фаолияти тузилмасида мактаб ўқув фанлари аҳамияти ва ўрнини аниқлаш;

- бевосита амалий фаолиятни таъминловчи ўқув фанларининг долзарб билимларини интеграциялаш;

– ўқувчиларни ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялаш жараёнларини таъминлаш ва мувофиқлаштириш;

– мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни ижтимоий аҳамиятга эга даражада шакллантириш;

– ўқув фаолиятининг яхлит дидактик занжирини таъминлаш, ўқув жараёнининг қайтар алоқасини амалга ошириш;

– назарий ва амалий таълимнинг ўзаро бирлигини ҳамда, ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашдан иборат.

Юқорида баён қилинган мулоҳазалардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин.

Демак, мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг асосий ташкил этувчилари умумтехнологик билимлар, малака ва кўникмалар ҳисобланади.

Билим, кўникма ва малакаларни интеграциялашга қаратилган технологик компетенцияларни шакллантиришнинг асоси мактаб таълими ҳисобланади.

Бунинг барчаси ижтимоий тажрибани ўрганиш, реал оламни ижодий ўзгартиришга қобилиятларини ривожлантириш ва ўқувчини меҳнатга ўргатиш бўйича технологик жараёнга тайёрлашнинг маданий ташкил этувчисини аниқлаб беради. Умумий ўрта таълим мактабларининг барча йўналишлари бўйича технологик таълимни жараёнини ташкил этишнинг объектлари ва воситалари ва ягона тизимнинг ажралмас элементи сифатида технологиянинг аҳамияти ҳамда ўрнини аниқлашга имкон беради.

Унинг атрофида ўқувчиларнинг фан юзасидан малакавий талабларнинг ортиши муносабатлари эса ахборот - амалий муҳитини шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг таянч воситаси сифатида технологик таълим йўналишининг умумпедагогик, хусусий ва махсус бўлимлари асосида фанга оид билимларни амалий қўллаш бўйича ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенциялари юзасидан ўрганилган билимлар, шаклланган кўникмалар ва малакалар ҳосил бўлиш жараёнида пайдо бўлган янги билимларни кундалик фаолиятда қўллаш қобилиятини эгаллашни таъминлашга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётла:**

1. Беспалко В.П., Татур Ю.Г. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. –М.: Высшая школа. 1989.–144 с.

2. Зарипов Л.Р. Инновацион таълим шароитида ўқувчиларни технологик тайёрлаш // Педагогика журнали. 2019 йил. № 5. - Б. 92-98.

3. Серебренников Л.Н. //Проблемы и перспективы технологического образования// Л.Н.Серебренников. Технология XXI. Киров, 2001. С. 56-57.



4. Серебренников Л.Н. Структура технологической подготовки школ / Л.Н. Серебренников // Костромской педагогический вестник. — 2003. - № 4. - С. 23-26.
5. Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс.пед.фан.док. – Т., 2012. 307 б.
6. M.M.Ahmedov //Development factors of competence lvl of teacher of technologe// INNOVATIVE TECHNOLOGICA METHODOICAL RESEARCH JOURNAL. Volume 4, Issue 3 Mar. 2023. 104-112 pages.
7. M.M.Ahmedov, Z.Teshaboev, G.Xojikarimova. /Таълим тизимида ислохатлар// Mejdunarodnyy nauchnyy jurnal “Graal nauki” № 4 (Traveny, 9 aprely 2021) Venetsiya, Italiya S.475-477
8. M.M.Axmedov, Z.A.Teshaboev, G.T.Xojikarimova //Education system - integrated process// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022. 4211-4214.
9. Ишмухамедов Р.Ж. – Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. ТДПУ, Т.: 2003. – 44 б.
10. Муравьев Е.М. Общие вопросы методики преподавания технологии / Е.М. Муравьев, В.Д. Симоненко. - Брянск: НМЦ «Технология», 2000. - 296 с.
11. M.M.Axmedov, S.M.Puzimatova, A.Yuldashov //ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ СИФАТИДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. Volume-11| Issue-2| 2023. 661-667 pages.
12. P.X.Maqsudov, S.M.Otajonov, M.M.Axmedov, Sh.Sh.Shuxratov, G.T.Xojikarimova //Инновацион таълимда дарс шакли, методи ва воситаларини танлаш// Ўқув қўлланма. Фаргона 2022.
13. M.M.Axmedov, S.M.Puzimatova, Z.A.Teshaboev //“ҲАЁТ ДАВОМИДА ЎҚИШ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА МАВЗУ “ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАСИ”НИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИ// О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 668-674 betlar.
14. M.M.Axmedov, G.T.Xojikarimova //Ўқитишнинг сифати ва таълим-тарбия самарадорлигини оширишда инновацион характерга эга бўлган инновацион дарс шаклларида фойдаланиш// Общество и инновации. 2021 2(2) 1-7
15. M.M.Akhmedov, S.M.Rozimatova, Z.A.Teshaboev //AN IMPORTANT FACTOR FOR IMPROVING THE EDUCATIONAL PROCESS ON THE PRINCIPLE OF "LIFELONG LEARNING"// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ). Vol. 10, Issue 10, Oct. (2022). 671-676 pages.
16. M.M.Axmedov, I.I.Karimov, S.M.Puzimatova //ДАРС ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ МУНОСАБАТЛАРИНИ АМАЛАГА ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ// О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 56-60 betlar.

17. М.М.Аҳмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова //Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш// Международный научный журнал «Вестник науки» опубликована № 11 (44). Г.Тольятти от 7 ноября 2021 г.

18. М.М.Аҳмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова С.М.Рўзиматова. //Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари// Международный научный журнал. ORIENTAL RENAISSANCE: Innoralirc, ceducational, natural andsocial scicnces.Volume 2 ISSUE 8. August 2022. стр.336-342.

19. М.М.Ахмедов, Во'таева Gulmira Boxodirjonovna //ТЕХНОЛОГИЯ FANIDA TEXNOLOGIK JARAYONLARNI TASHKIL ETISH VA BOSHQARISH// O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 745-750 betlar.

20. Parpieva O.R, Hojkarimova G.T, Nazirova A.M //FORMATION OF STUDENT PEDAGOGICAL SKILLS BASED ON THE REQUIREMENTS OF INNOVATIVE EDUCATIONAL ENVIRONMENT// Международном научно-практическом журнале “Экономика и социум”. Вып №6(85) 2021. 157-161стр.